

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**  
**ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси**  
**«SMS-Pensiya» интерактив хизматини тақдим**  
**қилинишининг**  
**РЕГЛАМЕНТИ**

**МУНДАРИЖА**

1.	УМУМИЙ МАЪЛУМОТ .....	3
1.1	Интерактив хизматнинг тўлиқ номи .....	3
1.2	Интерактив хизмат ташаббускори .....	3
1.3	Интерактив хизматининг ташкилий-техник ижрочиси .....	3
1.4	Интерактив хизматни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг ҳуқуқий асослари .....	3
2.	ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	3
2.1	Интерактив хизматнинг вазифаси .....	3
2.2	Интерактив хизматнинг мақсади .....	3
3.	ИШЛАТИЛАДИГАН ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ .....	4
4.	ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТНИ ОЛИШ УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТИШ ҚОИДАЛАРИ ....	4
4.1.	Шахсий ҳисоб рақамларга мобил телефон рақамларнинг бириктирилиши усуллари .....	4
4.2.	Фойдаланувчининг рўйхатдан ўтиши .....	5
4.3.	Шахсий ҳисоб рақамга мобил телефон рақамини бириктиришга бўлган талаблар .....	5
4.4.	Фойдаланувчининг қайта рўйхатдан ўтиши .....	7
4.5.	Интерактив хизматдан фойдаланиш усуллари .....	7
4.6.	Интерактив хизматни ўчириш .....	8
4.7.	Ўтган давр учун SMS-хабарни олиш .....	8
	1-илова .....	10
	2-илова .....	12

## **1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

### **1.1 Интерактив хизматнинг тўлиқ номи**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «SMS-Pensiya» интерактив хизмати (кейинги ўринларда – «SMS-Pensiya» хизмати).

### **1.2 Интерктив хизмат ташаббускори**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси).

### **1.3 Интерактив хизматининг ташкилий-техник ижрочиси**

«Mobi Tel Inform» Масъулияти чекланган жамият («Mobi Tel Inform» МЧЖ).

### **1.4 Интерактив хизматни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг ҳуқуқий асослари**

Қуйидагилар «SMS-Pensiya» хизматини ишлаб чиқилиши учун асос ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февральдаги ПҚ-2302-сон «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1 мартдаги 165-Ф-сонли Қарори.

## **2. ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **2.1 Интерактив хизматнинг вазифаси**

«SMS-Pensiya» хизмати давлат пенсия таъминоти соҳасидаги ахборот берувчи ва хабардор қилувчи SMS-хабарларни шакллантириш ҳамда пенсия ва ижтимоий нафақаларни олувчи шахсларга жўнатиш учун мўлжалланган.

### **2.2 Интерактив хизматнинг мақсади**

«SMS-Pensiya» хизматини жорий этилишининг асосий мақсади давлат пенсия таъминоти соҳасида пенсия ва ижтимоий нафақаларни олувчи шахсларнинг сўровларига эътиборни кучайтириш, ҳамда уларга бепул SMS-хабарларни жўнатиш бўйича хизматни жорий этиш орқали тезкорлик билан жавоб бериш ҳисобланади.

### **3. ИШЛАТИЛАДИГАН ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ**

**Фойдаланувчи** – лицо, пенсия ва/ёки ижтимоий нафақа олувчи шахс, ёхуд унинг яқинлари: турмуш ўртоғи, ўғли, қизи, невараси ҳамда қонуний вакили.

**Тизим** – давлат пенсия таъминоти соҳасидаги SMS-хабарларни пенсия ва ижтимоий нафақаларни олувчи шахсларнинг мобил алоқа воситаларига жўнатиш орқали уларга «SMS-Pensiya» хизматини кўрсатувчи Пенсия жамғармаси ахборот тизими.

**Шахсий ҳисоб рақам** – Пенсия жамғармаси ахборот тизимида пенсия ва ижтимоий нафақаларни олувчи шахсларга очиб берилган уникал рақам. Шахсий ҳисоб рақам Пенсия гувоҳномасининг «Шахсий ҳисобварақ» қисмида кўрсатиб ўтилган.

**Рўйхатдан ўтиш** – фойдаланувчининг мобил телефон рақамининг «SMS-Pensiya» хизматидан фойдаланиши учун тизимда шахсий ҳисоб рақамга бириктирилиши жараёни.

**Қайта рўйхатдан ўтиш** – олдин шахсий ҳисоб рақамга бириктирилган мобил телефон рақамининг рўйхатдан чиқарилиши ҳамда «SMS-Pensiya» хизматидан фойдаланиши учун янги мобил телефон рақамнинг бириктирилиши жараёни. Қайта рўйхатдан ўтиш фақатгина Пенсия жамғармасининг тегишли (шахсий ҳисоб рақам тегишли бўлган шахснинг ҳисобда турган) туман (шаҳар) бўлимига учрашиш орқали амалга оширилади.

### **4. ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТНИ ОЛИШ УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТИШ ҚОИДАЛАРИ**

#### **4.1. Шахсий ҳисоб рақамларга мобил телефон рақамларнинг бириктирилиши усуллари**

Тизимда шахсий ҳисоб рақамга мобил телефон рақамнинг бириктирилиши фақат икки йўл билан амалга оширилади:

1. Фойдаланувчининг Пенсия жамғармасининг тегишли (шахсий ҳисоб рақам тегишли бўлган шахснинг ҳисобда турган) туман (шаҳар) бўлимига шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан келиши ва тегишли аризани тўлдириши орқали амалга оширилади;

2. Фойдаланувчи томонидан мустақил тарзда ўзининг мобил телефон рақами орқали тегишли белги, рақам ва ҳарфлардан иборат SMS-сўровни 10711 қисқа рақамга юбориш орқали амалга оширилади.

#### 4.2. Фойдаланувчининг рўйхатдан ўтиши

Тизимда рўйхатдан ўтиш орқали фойдаланувчи ўзининг мобил телефон рақамига Пенсия жамғармасининг барча турдаги SMS-хабарларини олишга розилигини тасдиқлайди.

Тизимда фойдаланувчи мобил телефон рақамининг рўйхатдан ўтиши 10711 қисқа рақамга қуйидаги белги, рақам ва ҳарфлардан иборат SMS-сўровни юбориш орқали амалга оширилади:

Белгилар жамланмаси	Мазмуни	Мисол
* <b>Шахсий ҳисоб рақам</b> *1*UZ#	SMS-хабарларни <b>ўзбек тилида олиш учун</b>	*7000007*1*UZ#
* <b>Шахсий ҳисоб рақам</b> *1*RU#	SMS-хабарларни <b>рус тилида олиш учун</b>	*7000007*1*RU#
* <b>Шахсий ҳисоб рақам</b> *1#	SMS-хабарларни <b>ўзбек тилида олиш учун</b>	*7000007*1#

Бу ерда:

7000007 – шахсий ҳисоб рақам;

1 – рўйхатдан ўтиш белгиси;

UZ ёки RU – фойдаланувчи маълумотларни қайси тилда олишини билдирувчи белги. Агар тил кўрсатиб ўтилмаса, унда маълумотлар ўзбек тилида юборилади.

Тизимда фойдаланувчининг муваффақиятли рўйхатдан ўтиши натижасида унинг мобил телефон рақамига рўйхатдан ўтишда танлаган тилида № 1.2. тизим SMS-хабари келади.

#### № 1.2. Тизим SMS-хабарининг матни

UZ	RU
Pensiyajamg'armasi Siz SMS Pensiya xizmatiga 7000007-shaxsiy hisob raqami bo'yicha obuna bo'ldingiz. Xizmat bepul. Ma'lumot uchun www.pfru.uz yoki Pensiya jamg'armasining tuman bo'limlariga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Vi podpisalis' na uslugu SMS Pensiya po nomeru lichnogo scheta-7000007. Usluga besplatna. Dopolnitel'naya informatsiya na www.pfru.uz ili v rayonnix otdeleniyax Pensionnogo fonda.

#### 4.3. Шахсий ҳисоб рақамга мобил телефон рақамини бириктиришга бўлган талаблар

Бошқа мобил телефон рақамга бириктирилган шахсий ҳисоб рақамга фойдаланувчи томонидан мобил телефон рақамни бириктиришга уринганида, унинг мобил телефон рақамига олдинги (актив) фойдаланувчи рўйхатдан ўтишда танлаган тилда №1.3. тизим SMS-хабари келади.

### №1.3. Тизим SMS-хабарининг матни

UZ	RU
Pensiya jamg'armasi 7000007–shaxsiy hisob raqam boshqa telefon raqamga biriktirilgan. Ma'lumot uchun <a href="http://www.pfru.uz">www.pfru.uz</a> yoki Pensiya jamg'armasining tuman bo'limlariga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta–7000007 uje zakreplen za drugim telefonnim nomerom. Dopolnitel'naya informatsiya na <a href="http://www.pfru.uz">www.pfru.uz</a> ili v rayonnix otdeleniyax Pensionnogo fonda.

Агар шу ҳолатда бу хабарни олган шахсинг эттирозлари бўлса, унда у Пенсия жамғармасининг тегишли (пенсия ва/ёки ижтимоий нафақа олувчи шахс рўйхатда турган) туман (шаҳар) бўлимига келиши ҳамда қайта рўйхатдан ўтиш учун ўрнатилган аризани тўдириши лозим бўлади.

Тизимда битта мобил телефон рақамни бир нечта шахсий ҳисоб рақамга, аммо 5 тадан ошмаган ҳолатда бириктириш мумкин.

Фойдаланувчи томонидан битта мобил телефон рақамни 5 тадан ошиқ шахсий ҳисоб рақамга бириктиришга уринганида, унинг мобил телефон рақамига 6-чи шахсий ҳисоб рақамни рўйхатдан ўтказишдаги танлаган тилида №1.4. тизим SMS-хабари келади.

### № 1.4. Тизим SMS-хабарининг матни

UZ	RU
Pensiya jamg'armasi Xato. Bu raqamga 5 ta shaxsiy hisob raqami biriktirilgan. Ma'lumot uchun <a href="http://www.pfru.uz">www.pfru.uz</a> yoki Pensiya jamg'armasining tuman bo'limlariga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Oshibka. Na daniy nomer uje zakrepleno 5 nomerov lichnix schetov. Dopolnitel'naya informatsiya na <a href="http://www.pfru.uz">www.pfru.uz</a> ili v rayonnix otdeleniyax Pensionnogo fonda.

Тизимда бир нечта мобил телефон рақамларни битта шахсий ҳисоб рақамга бириктиришга йўл қўйилмайди.

Фойдаланувчи томонидан рўйхатдан ўтишда ёки ундан ўтиб бўлгач нотўғри шаклдаги маълумотлар SMS-сўров сифатида юборилса, унинг мобил телефон рақамига №1.5. тизим SMS-хабари келади.

### № 1.5. Тизим SMS-хабарининг матни

UZ	RU
Pensiya jamg'armasi Xato. Siz noto'g'ri ma'lumot kiritdingiz. Qo'shimcha ma'lumot <a href="http://www.pfru.uz">www.pfru.uz</a> yoki Pensiya jamg'armasining tuman bo'limlariga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Oshibka. Vi vveli nevernie dannie. Dopolnitel'naya informatsiya na <a href="http://www.pfru.uz">www.pfru.uz</a> ili v rayonnix otdeleniyax Pensionnogo fonda.

#### 4.4. Фойдаланувчининг қайта рўйхатдан ўтиши

Тизимда фойдаланувчининг қайта рўйхатдан ўтиши фақат битта йўл билан амалга оширилади. Фойдаланувчининг Пенсия жамғармасининг тегишли (шахсий ҳисоб рақам тегишли бўлган шахснинг ҳисобда турган) туман (шаҳар) бўлимига шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан келиши ва тегишли аризани тўлдириши орқали.

Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлими инспектори 1 иш куни давомида тизимдаги шахсий ҳисоб рақамга янги мобил телефон рақамини бириктириши шарт деб белгиланган.

Инспектор томонидан тизимдаги шахсий ҳисоб рақамга янги мобил телефон рақамини киритиши ва бириктиришидан сўнг шу мобил телефон рақамга фойдаланувчи танлаган тилда № 1.2. тизим SMS-хабари келади.

Шу билан бирга, олдинги бириктирилган мобил телефон рақамга рўйхатдан ўтишда танланган тилда № 1.6. тизим SMS-хабари юборилади.

#### №1.6. Тизим SMS-хабарининг матни

UZ	RU
Pensiyajamg'armasi Murojaat etgan shaxs talablariga ko'ra 7000007–shaxsiy hisob raqami bo'yicha SMS Pensiya xizmati to'xtatildi. Ma'lumot uchun <a href="http://www.pfru.uz">www.pfru.uz</a> yoki Pensiya jamg'armasining tuman bo'limlariga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Soglasno trebovaniyam zayavitelya ushuga SMS Pensiya po nomeru lichnogo scheta- 7000007 priostanovlena. Dopolnitel'naya informatsiya na <a href="http://www.pfru.uz">www.pfru.uz</a> ili v rayonnix otdeleniyax Pensionnogo fonda.

#### 4.5. Интерактив хизматдан фойдаланиш усуллари

SMS-хабар туридан келиб чиқиб фойдаланувчи томонидан «SMS-Pensiya» хизматидан фойдаланиши икки йўл билан амалга оширилади:

1. Тизимда шахсий ҳисоб рақамга тегишли операциялар амалга оширилганда қуйидаги Регламентнинг 1-**иловасига** мувофиқ SMS-хабарларнинг автоматик тарзда шаклланиши ва уларнинг фойдаланувчига юборилиши (рўйхатдан ўтган мобил телефон рақамларга) орқали;

2. Қуйидаги Регламентнинг 2-**иловасида** кўрсатиб ўтилган SMS-хабарларни олиш учун индивидуал SMS-сўровларни жўнатиш (рўйхатдан ўтган мобил телефон рақамларга) орқали.

Маълум SMS-хабарларни олиш 10711 қисқа рақамга қуйидаги белги, рақам ва ҳарфлардан иборат индивидуал SMS-сўровни юбориш орқали амалга оширилади:

Белгилар жамланмаси	Мазмуни	Мисол
<b>*Шахсий ҳисоб рақам* SMS нинг тизимдаги коди#</b>	Хабарларни рўйхатдан ўтишда танланган тилда олиш учун	*7000007*61#

Бу ерда:  
 7000007 - шахсий ҳисоб рақам;  
 61 - SMS нинг тизимдаги коди, қуйидаги Регламентнинг 2-**иловасида** кўрсатиб ўтилган SMS-хабарларни олиш учун фойдаланувчи томонидан танланади.

#### 4.6. Интерактив хизматни ўчириш

Тизимда фойдаланувчи ҳар бир шахсий ҳисоб рақами бўйича «SMS-Pensiya» хизматини ўчириши мумкин.

Тизимда маълум бир шахсий ҳисоб рақам бўйича «SMS-Pensiya» хизматини ўчириш 10711 қисқа рақамга қуйидаги белги, рақам ва ҳарфлардан иборат SMS-сўровни юбориш орқали амалга оширилади:

Белгилар жамланмаси	Мазмуни	Мисол
<b>*Шахсий ҳисоб рақам*0#</b>	Шахсий ҳисоб рақам бўйича хизматни ўчириш	*7000007*0#

Бу ерда:  
 7000007 – шахсий ҳисоб рақам;  
 0 – хизматни ўчириш белгиси.

Фойдаланувчи томонидан хизмат ўчирилганда унинг мобил телефон рақамига рўйхатдан ўтишда танланган тилда № 1.10. тизим SMS-хабари келади.

#### № 1.10. Тизим SMS-хабарининг матни

UZ	RU
Pensiya jamg'armasi Siz 7000007–shaxsiy hisob raqami bo'yicha SMS Pensiya xizmatini muvaffaqiyatli o'chirdingiz.	Pensionniy fond Vi uspešno otpisalis' ot usluga SMS Pensiya dlya nomera lichnogo scheta-7000007.

#### 4.7. Ўтган давр учун SMS-хабарни олиш

Фойдаланувчиларнинг индивидуал SMS-сўровларига асосан юбориладиган маълум SMS-хабарлар тизимда 3 ой давомида сақланади. Қуйидаги SMS-хабарлар Регламентнинг 2-**иловасида** келтирилган.

Фойдаланувчи SMS-хабарни ўчириб юборган, мобил алоқа воситасини ўзгартирган тақдирда, у 10711 қисқа рақамга қуйидаги белги, рақам ва ҳарфлардан иборат индивидуал SMS-сўровни юбориш орқали ўтган даврга тегишли SMS-хабарни олиши мумкин:

Белгилар жамланмаси	Мазмуни	Мисол
*Шахсий ҳисоб рақам* SMS нинг тизимдаги коди *Ўтган давр#	Ўтган давр учун Хабарларни рўйхатдан ўтишда танланган тилда олиш	*7000007*61*112016#

Бу ерда:

7000007 - шахсий ҳисоб рақам;

61 - SMS нинг тизимдаги коди, қуйидаги Регламентнинг 2-**иловасида** кўрсатиб ўтилган SMS-хабарларни олиш учун фойдаланувчи томонидан танланади;

112016 - талаб қилинган (ўтган) давр учун SMS-хабар. Қуйидаги давр SMS-сўров жўнатилаётган санадан олдинги 3 ойдан ошмаслиги керак.



## Ахборотни олиш учун индивидуал SMS-сўровни талаб қилмайдиган SMS-хабарлар

(Фақатгина рўйхатдан ўтган мобил телефон рақамларга юборилади)

Т/Р	SMS-хабарларнинг номи	SMS-хабарларнинг матни (рақамлар ва суммалар мисол сифатида келтирилган)	
		UZ	RU
1.1.	<b>Кирувчи</b> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига биноан пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ошганлиги тўғрисида ахборот берувчи;	Pensiya jamg'armasi Shaxsiy hisob raqam-7000007; 01.08.2016 yildagi PF-165-son Prezident Farmoniga binoan 01.09.2016 dan Sizning pensiya (nafaqa) miqdoringiz oshdi va 660 000,00 sumni tashkil etdi.	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta-7000007; Soglasno Ukazu Prezidenta ot 01.08.2016 UP-165 s 01.09.2016 razmer Vashey pensii (posobii) povisilsya i sostavil 660 000,00 sum.
1.2.	<b>Кирувчи</b> Пенсия ва/ёки ижтимоий нафақанинг почта бўлимлари томонидан етказиб берилганлиги тўғрисида ахборот берувчи;	Pensiya jamg'armasi Shaxsiy hisob raqam-7000007; Sizga 27.02.2016 da pochta orqali (naqd pul shaklida) 2016 yil fevral oyi uchun pensiya (nafaqa) yetkazib berildi. Pensiya (nafaqa) olmagan bo'lsangiz Pensiya jamg'armasi bo'limiga yoki 1140 ishonch telefoniga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta-7000007; Vam v 27.02.2016 cherez pochtu (nalichnimi) dostavlena pensiya (posobie) za fevral 2016 goda. Esli vi ne poluchili pensiyu (posobiyu) obrashyaytes' v otdel Pensionnogo fonda ili pozvonite na telefon doveriya - 1140.
1.3.	<b>Кирувчи</b> Пенсия ва/ёки ижтимоий нафақанинг почта бўлимлари томонидан етказиб берилмаганлиги тўғрисида ахборот берувчи;	Pensiya jamg'armasi Shaxsiy hisob raqam-7000007; Sizga 2016 yil fevral oyi uchun pensiya (nafaqa) vaqtincha uyda yo`qligingiz (ko`chib ketganligingiz) sababli yetkazib berilmadi. Pochta bo'limiga murojaat etishingizni so'raymiz.	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta-7000007; Vam ne dostavlena pensiya (posobie) za fevral 2016 goda po prichine vremennogo otsutstviya doma (Vashego perezda). Prosim obratitsya v Pochtovoe otdelenie.
1.4.	<b>Кирувчи</b> Пенсия ва/ёки ижтимоий нафақанинг тайинланганлиги тўғрисида ахборот берувчи;	Pensiya jamg'armasi Sizga 20.02.2016 dan yoshga doir (nogironlik, boquvchisini yo'qotganlik) pensiya (nafaqa) tayinlandi; Shaxsiy hisob raqamingiz-7000007; Tayinlangan muddati: 30.11.2016 (muddatsiz).	Pensionniy fond S 20.02.2016 Vamnaznachena pensiya (posobie) povozrastu (invalidnosti, sluchayu poteri kormiltsa); Vash nomer lichnogo scheta-7000007; Sroknaznacheniya: do 30.11.2016 (bessrochno).
1.5.	<b>Кирувчи</b> Пенсия ва/ёки ижтимоий нафақа тўловининг вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида хабар қилувчи;	Pensiya jamg'armasi Shaxsiy hisob raqam-7000007; 25.02.2016 dan Sizning pensiya (nafaqa)ngiz 3 oydavomida uyda bo'lmaganligingiz sababli vaqtincha to'xtatildi. Ma'lumot uchun Pensiya jamg'armasining bo'limiga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta-7000007; S 25.02.2016 naznachennaya Vam pensiya (posobie) vremenno priostanovlena po prichine Vashego otsutstviya doma v techenie 3 mesyatsev. Dlya informatsii možete obratitsya v otdel Pensionnogo fonda.
1.6.	<b>Кирувчи</b>	Pensiya jamg'armasi	Pensionniy fond

	Пенсия ва/ёки ижтимоий нафақа миқдорига чегирма белгиланганлиги тўғрисида хабар қилувчи;	Shaxsiy hisob raqam-7000007; 2016 yil iyun oyidan Sizning oylik <i>pensiya (nafaqa)</i> miqdoringizga chегirma belgilandi. Ma'lumot uchun Pensiya jamg'armasining bo'limiga murojaat etishingiz mumkin.	Nomerlichnogo scheta-7000007; S iyunya 2016 goda v Vashey <i>pensii (posobii)</i> ustanovlena ejemesyachnoe uderjanie. Dlya informatsii obrashyaytes' v otdel Pensionnogo fonda.
1.7.	<b>Кирувчи</b> Пенсия ва/ёки ижтимоий нафақанинг қайта ҳисоб-китоб қилинганлиги тўғрисида хабар қилувчи;	Pensiya jamg'armasi Shaxsiy hisob raqam-7000007; 25.02.2016 dan Sizning <i>pensiya (nafaqa)</i> ngiz ( <i>qo'shimcha hujjat taqdim etilganligi</i> ; <i>Oila tarkibi o'zgarganligi</i> ; <i>Nogironlik guruhi o'zgarganligi</i> ; <i>Pensiya turi o'zgarganligi</i> ) sababli qayta hisob-kitob qilindi. Pensiya (nafaqa)ngiz 550000,00 sumdan 600 000,00 sumga o'zgardi. Ma'lumot uchun Pensiya jamg'armasining bo'limiga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta-7000007; S 25.02.2016 Vasha <i>pensiya (posobie)</i> pereschitana v svyazi s ( <i>predostavleniyem dopolnitelnix dokumentov</i> ; <i>Izmeneniyem chisla ijdeventsev</i> ; <i>Izmeneniyem invalidnosti</i> ; <i>Izmeneniyem vida pensii</i> ). Razmer <i>pensii (posobii)</i> izmenilsya s 550 000,00 sum na 600 000,00 sum. Dlya informatsii obrashyaytes' v otdel Pensionnogo fonda.
1.8.	<b>Кирувчи</b> Боқувчисини йўқотганлиги бўйича пенсия ёки ижтимоий нафақанинг муддати тугаётганлиги тўғрисида хабар қилувчи;	Pensiya jamg'armasi Shaxsiy hisob raqam-7000007; Sizga 05.02.2016 da tayinlangan boquvchisini yo'qotganlik <i>pensiya (nafaqa)</i> muddati tugashi munosabati bilan o'qish joyidan hujjat olib kelishingiz so'raladi. Ma'lumot uchun Pensiya jamg'armasining bo'limiga murojaat etishingiz mumkin.	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta-7000007; V svyazi s okonchaniem sroka <i>pensii (posobiya)</i> po sluchayu poteri kormiltsa, naznachennoy Vam v 05.02.2016 godu prosim Vas predostavit' spravku s mesta uchebi. Dlya informatsii obrashyaytes' v otdel Pensionnogo fonda.
1.9.	<b>Кирувчи</b> Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига учрашиш лозимлиги тўғрисида хабар қилувчи;	Pensiya jamg'armasi 05.02.2016 kuni Pensiya jamg'armasining tuman bo'limi (doimiy yashash joyi bo'yicha) inspektori Kimsanov K ga (tel: 000-00-00) murojaat etishingizni so'raymiz.	Pensionniy fond Prosim Vas 05.02.2016 goda obratitsya v rayonniy otdel Pensionnogo fonda (po mestu postoyannogo jitel'stva) k inspektoru Kimsanovu K. (tel: 000-00-00).
1.10.	<b>Кирувчи</b> Пенсия жамғармаси раҳбарияти билан учрашув ўтказилиши тўғрисида ахборот берувчи;	Pensiya jamg'armasi 05.02.2016 kuni soat 11:00 da Pensiya jamg'armasining « <i>Olmazor tuman bo'limi</i> »da Pensiya jamg'armasi rahbariyati-( <i>K.Kimsanov</i> ) ishtirokida fuqarolar bilan uchrashuv bo'lib o'tadi. Taklif va shikoyatingiz bo'lsa uchrashuvda ishtirok etishingizni so'raymiz.	Pensionniy fond V 11:00 05.02.2016 goda v « <i>Almazarskom rayonnom otdel</i> » Pensionnogo fonda sostoitsya vstrecha rukovodstva Pensionnogo fonda-( <i>K.Kimsanov</i> ) s grajdunami. Esli u Vas imeyutsa predlojeniya ili jalobi prosim prinyat' uchastie v dannoy vstreche.

## Ахборотни олиш учун индивидуал SMS-сўровни талаб қиладиган SMS-хабарлар

(Фақатгина рўйхатдан ўтган мобил телефон рақамларга юборилади)

Т/Р	SMS-хабарларнинг номи	SMS-хабарларнинг матни (рақамлар ва суммалар мисол сифатида келтирилган)		SMS нинг тизимдаги коди
		UZ	RU	
3.1.	<b>Чиқувчи</b> (SMS-сўров) SMSни олиш учун сўров	*7000007*61# Жорий давр учун *7000007*61*022016# Олдинги давр учун	*7000007*61# Жорий давр учун *7000007*61*022016# Ўтган давр учун	61
3.2.	<b>Кирувчи</b> (61 код остидаги SMS-сўровга жавоб) Пенсия ва/ёки ижтимоий нафақа миқдори, тўлов шакли ва тайинланган муддати тўғрисида ахборот берувчи;	Pensiya jamg'armasi Shaxsiy hisob raqam-7000007; 01/2016 uchun: <i>peniya (nafaqa)</i> miqdori - 600 000,00 sum; To'lov shakli: pochta-50%, bank-50% (ish joyi-50%); Tayinlangan muddati: 30.11.2016 ( <i>muddatsiz</i> ).	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta-7000007; za 01/2016: <i>razmer pensii (posobiya)</i> – 600 000,00 sum; Forma viplati: pochta-50%, bank-50% (organizatsiya-50%); Srok naznacheniya: 30.11.2016 ( <i>bessrochno</i> ).	
3.3.	<b>Чиқувчи</b> (SMS-сўров) SMSни олиш учун сўров	*7000007*63#	*7000007*63#	63
3.4.	<b>Кирувчи</b> (63 код остидаги SMS-сўровга жавоб) Олинаётган пенсия ва/ёки ижтимоий нафақа тури тўғрисида ахборот берувчи;	Pensiya jamg'armasi Shaxsiy hisob raqam-7000007; Ro'yxatdan o'tgan sana 20.02.2016; Pensiya ( <i>nafaqa</i> ); Tayinlangan muddati: 30.11.2016 ( <i>muddatsiz</i> ).	Pensionniy fond Nomer lichnogo scheta-7000007; Data registratsii 20.02.2016; Pensiya ( <i>posobie</i> ); Srok naznacheniya: 30.11.2016 ( <i>bessrochno</i> ).	